

9-10-2020

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE UZBEKISTAN-JAPANESE EDUCATION SYSTEM

F. F. Khoshimov

Namangan Engineering and Technological Institute, head. Department of Chemistry, t.ph.n.

R. Egamberdieva

Namangan Engineering and Technological Institute, assistant of the Department of Chemistry

M. F. Fayzullaeva

Namangan Engineering and Technological Institute, student

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khoshimov, F. F.; Egamberdieva, R.; and Fayzullaeva, M. F. (2020) "PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE UZBEKISTAN-JAPANESE EDUCATION SYSTEM," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 60.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/60>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE UZBEKISTAN-JAPANESE EDUCATION SYSTEM

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ф.Ф.Хошимов - Наманган Муҳандислик-технология
институтини, “кимё” кафедраси мудири, т.ф.н.доц.

Р.Эгамбердиева - Наманган Муҳандислик-технология
институтини, “кимё” кафедраси ассистенти

М.Ф.Файзуллаева - Наманган Муҳандислик-технология
институтини талабаси

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон ва Япония таълим тизими ва ундаги ютуқлар ва муаммолар, истиқболдаги ривожланиш йўналишлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, модернизация, кадрлар, университет, мукаммаллаштириш, таомиллаштириш, ихтисослик.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАН-ЯПОНСКОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

Ф.Ф. Хошимов - Наманганский инженерно-технологической институт, , зав.
кафедрой «химия», т.ф.н.оц.

Р. Эгамбердиева - Наманганский инженерно-технологической институт, ассистент
кафедры «химия»

М.Ф. Файзуллаева - Наманганский инженерно-технологической институт, студент

Аннотация: В этой статье представлена информация о системе образования Узбекистана и Японии, ее достижениях и проблемах, а также о будущем развитии.

Ключевые слова: образование, модернизация, кадры, университет, совершенствование, обучение, специализация.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE UZBEKISTAN-JAPANESE EDUCATION SYSTEM

F.F. Khoshimov - Namangan Engineering and Technological Institute, head. Department
of Chemistry, t.ph.n.

R. Egamberdieva - Namangan Engineering and Technological Institute, assistant of the
Department of Chemistry

M.F. Fayzullaeva - Namangan Engineering and Technological Institute, student

Abstract: This article provides information about the education system of Uzbekistan and Japan, its achievements and problems, as well as about future development.

Key words: education, modernization, personnel, university, improvement, training, specialization.

Мамлакат таълим тизимидаги барча асосий муаммоларни бартараф этиш, натижада таълим тизимида юрт равнақи, ватан тараққиёти, мустақилликни мустаҳкамлаш, республика иқтисодини ривожлантириш, мамлакатда халқимизнинг

фаровон турмушини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда 1997 йил 29 августда “Таълим тугрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонуни қабул қилинди. Мамлакат келажagini белгилашда бетакрор ўринга эга бўлган “Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури” ни шаклланиш жараёни, ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз кетар экан, Дастурда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахс - комил инсонни вояга етказди, шу тариқа янги тафаккурга эга бўлган, мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланишига олиб келади. Ўзбекистоннинг кадр қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконияти яратилади.

2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармонлари эълон қилинди. Юқоридаги меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон республикасида таълим сифатини ошириш, рақобатбардош кадрлар тайёрловчи таълим тизимини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда таълим ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган кунчиқар мамлакат – Япониянинг тажрибасини ўрганиш ва тегишли соҳаларда қўллаш фойдадан холи бўлмайди [1-3].

Японияда Олий таълим муассасалари сифатида фақат университетларни кўриш мумкин. Университетларга катта ўрта мактаблар ёки 12 йиллик оддий дастурда фаолият кўрсатувчи мактабларнинг битирувчилари қабул қилинадилар. Маълумотларга кўра, бу мамлакатда 460 та университет бўлиб, улардан 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусийдир. Уларда 1 миллион 843 минг талаба таҳсил олади. Талабаларнинг 77,4 фоизи йигитлар, 22,6 фоизи қизлардир. Японияда давлат университетларига тўлиқ ўрта мактабни битириб кириш мумкин. Қабул 2 босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда абитуриентлар марказлашган ҳолда университетларга қабул бўйича Миллий марказларда ўтказиладиган “Ютуқлар биринчи босқичининг умумий тести”ни топширадилар. Тестни муваффақиятли топширганлар университетда ўтказиладиган кириш имтиҳонларига киритиладилар. Тестдан юқори балл олганлар давлатнинг энг нуфузли университетларига кириш учун имтиҳон топширадилар.

Айрим хусусий университетлар кириш имтиҳонларини мустақил ўтказдилар. Нуфузли хусусий университетлар ўз таркибида болалар боғчаси, бошланғич, қуйи ва юқори ўрта мактабларга эга. Агар абитуриент болалар боғчасидан то юқори синфларгача бўлган йўлни мувоффақиятли ўтса, у мазкур университетга кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Аспирантураларда таҳсил олаётган аспирантларнинг бор-йўғи 12,9 фоизи аёллар бўлиб, улар асосан гуманитар фанлар, санъат, маориф ва доришунослик соҳасида изланишлар олиб борадилар. Кичик коллежларда эса аҳвол бунинг

тамоман акси бўлиб, бу ерда эркаклар 10,1 фоизни, аёллар 89,9 фоизни ташкил этади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ва муҳандисликдан ташқари барча факультетларда аёллар ҳам таълим оладилар.

Университетлар ўзининг техник жиҳозланиши, моддий базасининг бекаму кўстлигига қараб икки тоифага бўлинади. 1-тоифадаги университетда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар талаба, 2-тоифадаги университетда эса 20 нафар талаба тўғри келади. 1-тоифа университетлари ҳар жиҳатдан 2-тоифа университетларидан устун туради.

Кафедралар таркибига асосан проффессор, доцент ва ўқитувчилар киради. Кафедра 4 нафар юқори курс талабасини бакалавр дастурида, 4 нафарини магистр ва 3 нафарини докторантура дастурида тайёрлашга масъулдир. Кафедраларда шу йўсинда бириктирилган талабалар худди илмий текшириш гуруҳларидагидек фаолият кўрсатадилар.

Япон университетларига кириш учун икки муҳим босқичдан ўтиш лозим. Биринчи босқич абитуриентларнинг турар жойида амалга оширилиб, улар япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих ва бошқа фанлар бўйича тест синовларидан ўтадилар. Тест синови натижаларига кўра, улар қайси университетга муносиблиги белгилаб чиқилади. Энг юқори натижаларга эришган абитуриентлар Токио университети, Киото, Осака, Саппоро университетларига қабул имтиҳонлари топширишлари учун йўлланмалар берилади.

Хусусий университетлар эса, қабул имтиҳонларини мустақил равишда оладилар. Кириш имтиҳонлари суҳбат тарзида ўтказилиб, унда кўрсатилган фанларни билишдан ташқари тез фикрлаш, топқирлик, зукколик маҳоратлари ҳам синаб кўрилади.

Бир қатор хусусий дорилфунунлар ўз таркибида мактабгача тарбия муассасаларига ҳам эга. Бунда тарбияланувчилар таълимнинг барча босқичларини шу университетнинг ўзида ўтайдилар, пировард натижада кириш имтиҳонисиз университетга қабул қилинадилар.

Университетларда таҳсил олаётган талабалар ўртасида касб нисбати қуйидагича: Жамиятшунослик фанлари 40 фоиз; Техника фанлари 20 фоиз; Гуманитар фанлари 1-4 фоиз; Педагогика фанлари 8 фоиз; Қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, табиий фанлар 3 фоиз; Санъат, рўзғоршунослик 2 фоиз.

Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Чунки, биринчидан, юқори малакали мутахассисларнинг имтиҳонидан ўтган талабалар ўқиб кета оладилар, иккинчидан, талабалар дорилфунунларда ўқиганликлари учун катта миқдорда пул тулайдилар. Университетларда 4 йиллик ўқиш айрим талабалар учун 5, ҳатто 6 йилгача чўзилиши мумкин.

Япон университетларида талабалар ўқув жараёнида 140-150 синов бирлиги топширадилар. Уларда баҳо мезони – «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз». Япон университетлари асосан юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Шунга қарамай, Японияда «Университет кишини билим ва касбга йўналтиради холос, уни такомиллаштириш, мукаммаллаштириш кишининг ўзига боғлиқ» деб ҳисоблайдилар.

Университет танлашда биринчи мезон – унинг нуфузлигида. Бундай нуфузли ОТМни битирган ёш йигит-қизлар дарҳол ишга олинади. Япония университетларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, умумилмий ва махсус фанлар аниқ бўлиб ўқитилади. Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайёргарлигини оладилар. Бунда умумилмий фанлар: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича махсус курсларни эшитадилар. Бошланғич икки йилда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса – талабанинг касбини тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиладилар ва илмий салоҳиятини аниқлашга эришадилар.

Японияда олий таълим тизими давлат ва хусусий таълим муассасаларига таяниб иш кўриши боис, элитар ҳисобланади. Давлатга алоқадор бўлмаган ОТМ лар ижтимоий-иқтисодий, гуманитар соҳаларда юқори малакали кадрларни тайёрлашса, давлат ОТМ лари муҳандислик фанлари, техника соҳаси ва табиий фанларга оид ихтисосликларда мутахассислар тайёрлаб келмоқдалар. Давлат олий таълимда юқори малакали кадрлар тайёрлашда етакчи ўринни эгаллайди.

Японияда таълим тизимидан ибрат олса арзийдиган жиҳатлар кўп. Янгидан велосипед ихтиро қилиш шарт эмас. Жаҳон таълим тизими ривожланишини ўрганиб, уларнинг керакли жиҳатларини қўллаш орқали янгиланиш жараёнини кечираётган Республикамиз таълим тизимини янада юқори поғонага кўтаришда қўл келиши шубҳасиздир. Таълим сифатини ошириш масаласини ижобий ҳал этиш учун маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашиш, ташаббускорлик ва ташкилотчилик кўрсатиб иш юритиш лозим бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон таълим тизимини сифат жиҳатдан юксалтириш учун қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

1. Бошланғич таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари асосида ягона Таълим вазирлигини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу реструкциязация таълим сифатини оширишнинг кам чиқим, лекин самарали воситаси бўлиши мумкин. Бунинг натижасида таълим муассасалари ягона, вертикал тизимда бошқарилади, хом-ашёдан тортиб (мактаб ўқувчилари) охириги махсулотгача (бакалаврлар ..) ягона тизимда сифат ва миқдор бошқарувида бўладилар.
2. Хар бир таълим муассасаси ўзи ишлаб чиққан категориялар бўйича барча ходимларини аттестациялаш жараёнидан ўтказишни амалга ошириши лозим. Йиғган балларига қараб ишга олинishi, шартномани узайтирилиши, иш хақи ва устамаларни белгиланиши натижасида педагоглар ўз устиларида ишлашга мажбур бўлиши, натижада таълим сифати ортиши мумкин.
3. ОТМ лар ташқи ва ички аттестациялаш механизмларини ривожлантириш лозим. Натижалар асосида ОТМ ларни молиялаш, истиқболдаги ривожланиш режаларига оператив ўзгартиришлар киритиш орқали уларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш мумкин.
4. Маҳаллий бизнес, ишлаб чиқарувчилар ва ОТМ лар корпоратив ҳамкорлигига, илмий марказлар ва университетлар интеграциясига яна бир бор урғу бериш керак,

реал амалий ишларни кучайтириш ОТМ лар сифат кўрсаткичини яхшиланишига олиб келади.

5. Мамлакатимизнинг ижобий демографик жараёнида аввалги квоталар реалликка жавоб бермайди, шунинг учун ОТМ талабаларини миқдорини ҳар йили камида 10% га ошириб бориш чораларини қўриш лозим, инвестицион ривожланаётган мамлакатда камида 40% аҳоли олий маълумотли бўлиши керак.

6. Хукумат янги қурилаётган Олий таълим муассасаларини, келажакда ривожланишини ҳисобга олиб, компакт қуришга эътибор бериши лозим. Бунинг натижасида талабалар хавфсизлиги юқори савияда таъминланади, улар қўриқладиган кампусларда яшашади, хорижий талабалар жалб этилиши енгиллишади, ўқув корпуслари, лабораториялар, библиотека, ётоқхона, спорт майдонлари ва х.к.з., барча инфратузилмалар ягона тизимга бирлашганлиги натижасида ОТМ ларда бошқарув ва таълим сифати ортишига эришилади.

Жаҳондаги юқори тараққий топган Япония таълим тизимининг энг мақбул, энг сара ва фойдали шакллари, йўналишларини миллий таълим тизимимизга татбиқ этиб, уларнинг маънавиятимиз ва менталитетимизга ёт, бегона ва зарарли бўлган қолип ва андозаларидан воз кечган ҳолда мамлакатимиз таълим тизимини сифат жихатдан янада юксалтириб, тараққий қилган мамлакатлар сафига кириш ҳар бир кишининг вазифаси ва бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Адабиётлар

1. Ф.Ф.Хошимов, И.Абидов, Л.Ф.Файзуллаев. “Таълим сифатини оширишдаги муаммолар ва ечимлар (Япония ва Хитой мисолида). Наманган муҳандислик-технология институти илмий техник журнали. 2020 йил, №2.

2. Ф.Ф.Хошимов, М.Ф.Файзуллаева. Ўзбекистон ва Хитой таълим тизими: ислохотлардаги ўхшашлик ва фарқлар. “Кимё, озиқ-овқат ва кимёвий технологияларни такомиллаштиришда инновацион ғоялар” конференция, НамМТИ, 20-21 октябр 2019 йил

3. Ф.Ф.Хошимов, М.Ф.Файзуллаева. Таълим тизимини ривожлантиришда Япония тажрибаси. “Кимё, озиқ-овқат ва кимёвий технологияларни такомиллаштиришда инновацион ғоялар” конференция, НамМТИ, 20-21 октябр 2019 йил

46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х.	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э.	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И.	277
	13.00.00	
	ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PEDAGOGICAL SCIENCES	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б.	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O.	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B.	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А.	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б.	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У.	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А.	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К.	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н.	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф.	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I.	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф.	343